



## TAKASH XORAZMSHOH VA VASSAL KABUDJOMA

Murtazayev Babanazar Xuramovich

Filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Termiz davlat universiteti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12679386>

### ARTICLE INFO

Received: 27<sup>th</sup> June 2024

Accepted: 28<sup>th</sup> June 2024

Published: 07<sup>th</sup> July 2024

### KEYWORDS

*Авфий, Такаш, Кабуджома, Шаҳринав, шеър, рубоий, ижод, қатл, зиддият, муносабат, шоҳ, сарой, тазкира, ҳоким, давлат, ҳукмрон, эл, халифа, бойлик, хазина.*

### ABSTRACT

*Мақолада Авфийнинг “Лубобу-л-албоб” тазкираси маълумотлари асосида ас-Султон ул-муаззам Ало уд-дунё ва ад-дин Такаш ибн Эларслон ва ал-малик ал-муаззам Нусратуддин Кабуджома ҳақида сўз юритилади. Такаш ва Кабуджома муносабатларига доир ажойиб воқеаларга урғу берилади, аждодларимиз ўртасида бўлиб ўтган дилкаш муносабатларнинг биз авлодларга намунавий ва беқиёс таъсири қайдини топади.*

Хоразмнинг қадим тарихи ўз бағрида кўплаб сирли ҳодисаларни тажассум этади, унинг мафтункор сеҳри то ҳануз барчани ўзига мафтун айлаб келади. Хоразмнинг ҳатто шоҳлари ҳам шеър ёзган ва шеърият ривожига катта эътибор қаратган, бу эса назм, наср ва мусиқа тараққиётини юксак чўққилар сари етаклагани маълуми машхурдир. Чунончи Хоразмшоҳлардан Отсиз (таваллуди 1077, ҳукмронлиги 1127–1156), Такаш (ҳукмронлиги 1172–1200), Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200–1220) ва унинг укаси Тожиддин Алишоҳ (қатор вилоятларда ҳокимлик қилган) ҳақида Муҳаммад Авфий (1172–1241)нинг “Лубобу-л-албоб” (1221) тазкирасида келтирилган маълумотлар ўта қизиқарли ва қимматлидир. Юқорида зикрини топган Хоразмшоҳлардан “Лубобу-л-албоб”да шеърий намуналар тақдим этилади, тагин ушбу тазкирада айтилишича, Отсиз Хоразмшоҳнинг шеърий девони бўлганлиги эслатиб ўтилади. Хоразм давлати Отсиз Хоразмшоҳ даврида тўқис мустақилликни қўлга киритган бўлса, Такаш ибн Эларслон (Такашнинг падари бузургвори Эларслон ҳукмронлиги 1156 – 1172 йиллар) даврида Хоразм давлати гуллаб яшнади. Такашнинг узоқни кўра билиш сиёсати оқибатида бутун Шарқ ва Эрон ҳудудлари унинг тасарруфига ўтади. Хоразмшоҳлар давлатининг сарҳадлари сарзамини икки баравар кенгайди, бу давлат бевосита ғанимлари бўлмиш Ғурийлар ва Аббосий халифаларнинг ерлари билан чегарадош бўлиб қолади. Хоразмдан Нишопурга йўл олган Такаш Хоразмшоҳ йўл (1200 йил 3 июл)да вафот этади, натижада салтанат эндиликда бебошликлар масканига айланади, Боғдод (Ироқ)да хоразмликларга қарши қирғин-барот бошланади, Ғурийлар эса Сарахс, Абиверд ва бошқа шаҳарларга босқин уюштиради.

Муҳаммад Авфийнинг ёзишича Такаш (гоҳо манбаларда Такеш, Текеш) ҳукмронлиги йиллари давлат ва мамлакат бойликлари ошкор қилинмас ва беҳуда ташқарига сочилмас экан. Давлат дарахтидан териб олинган узоқни кўзлаган мақсаднинг ширин мевалари барқарор бўлиб, ихотага олган ва жиддий муҳофаза этилган экан. Ана шундай бир ҳолатда қўшиннинг ҳарбий ҳаракатга тайёргарлик кўриши учун фармони олий берилади, лашкар бошлиқлари раҳнамолигида катта жараён бошланади. Ушбу муддаодан мурод қорахитойларга қарши ҳужум қилиш экани ўта сир тугилади, лекин бунинг учун давлат хазинасидан ганжлар тақозо этилар эди. Энг қизиғи ва ачинарлиси шу эдики, ўшанда даргоҳ аъён(давлат аркон)лари чуқур азият чекиб, шоҳга хазинада маблағ камлигини аранг изҳор этишади. Боиси Такаш Хоразмшоҳнинг ишончига кирган ғаддор раҳнамолар, валламаи замонлар давлат хазинасини, яъни миллий бойликни, эл-улус насибасини қуритган эканлар. Қаҳрдан ёқа ушлаб, ғазабдан бармоқ тишлаган ҳукмрон, ҳайрат ва таажжубда ушбу подшоҳона рубойни айтган экан:

Дар зайни сахо нишаст донам кардан,

Гар кўҳ зи раст паст донам кардан.

Лекин чу хазонаи ки мебояд нест,

Аз нест чугуна ҳаст донам кардан.

Мазмуни:

Баланд тоғни паст этмоқ ниятим бор,

Саховатда ҳисобсиз инъом бекор.

Гар хазина ғорат этилса буткул,

Таассуфки, йўқдан бор бўлмас зинҳор.

Такаш ҳақида “Лубобу-л-албоб”да ўқиймиз: “Султон Такаш юмшоқ қалбли ва раҳмдил подшоҳ эди, унинг лутфи таъби нури офтобдан ҳам порлоқдир, базмда саховати баҳор селидек тошқин, у жангда нар шер каби собит тўлқин эди”(Авфий, 2022:75). “Лубобу-л-албоб”да Такашнинг вассали Нусратуддин Кабуджома шеърӣ ижодидан ҳам намуналар берилади, унинг рубойларининг хос хусусиятлари олқишга сазовор этилади. Кабуджома аслида қабиланинг номи, Нусратуддин Кабуджома ҳукмронлик қилган қабилла вилоятининг марказий шаҳри Шаҳринав бўлиб, шаҳар Хоразм ва Астробод оралиғида жойлашган. Такаш ва Кабуджома ҳақида “Лубобу-л-албоб”нинг бешинчи бобида диққатга сазовор маълумотлар келтирилади, улар ўртасида бўлиб ўтган ғаройиб бир ҳодисага алоҳида урғу берилади. Айниқса, Кабуджома қаламига мансуб бир рубойнинг яратилиши тарихи анча эътиборга молик жиҳатларни намоён этади. Айтишларича Такаш саройидаги Кабуджоманинг ғанимлари бўлган уюштириб уни султонга ёмон отлик қилишади, бунга ишонган Такаш уни қатл этиб бошини олиб келиш учун Шаҳринавга одамларини равона қилади. Одатан қатл этилувчидан унинг сўнгги сўзи сўралади, шунда Кабуджома уни тириклайин шоҳ саройига олиб боришларини илтимос қилади. Чунки дейди Кабуджома: “... фармон ижроси фармондор ҳузурида бажарилса, Худо олдида раво бўлади”(–104), шу тариқа қатл ижросини амалга оширувчилар унинг кўзини боғлаб Султон ҳузурига олиб келадилар. Кабуджомага кўзи тушган Султон Такаш буйруқ ижросини амалга оширмаганларни

қатлга ҳукм этмоқчи бўлади, аммо маълум бир мулоҳаза ва фикрлар тўлқини уни бу фикрдан қайтаради. Бу орада Кабуджома бир рубоий ёзиб, Султонга тақдим этишларини сўрайди, мана ўша машҳур рубоий:

Ман хоки ту дар чашми хирад меорам,  
Узрат на яке на даҳки сад меорам.  
Сари хостаи ба дасти кас натавон дод,  
Меояму бар гардани худ<sup>1</sup> меорам.

Мазмуни:

Даргоҳинг тупроғин суртаман кўзга,  
Узр сўрайман, иста юз карра юзга.  
Сўраган бошни қўлда эмас, тухфа-  
Этиб, олиб келдим, елкада Сизга.

Такаш рубоий таъсирида Кабуджомани авф этиб, фармон битилган қоғозни йиртиб ташлайди ва Кабуджомани ёнига чорлаб, юз-кўзидан бўса олади. Кўраяпсизми биргина рубоийнинг кучи, қудрати, сеҳри султонни меҳрга буркамоқда, зотан Такашнинг ўзи ҳам шеърлар ёзиб турганини яхши биламиз. Подшоҳ ўша тунги мажлис (базм) совринларини бир жойга жамлатиб барчасини лутфан Кабуджомага бағишлаб, унга тухфа айлайди. Юқоридагилар Султон Такаш ва Кабуджома муносабатларига доир воқеалар сирасига тааллуқли бўлиб, катта тарихдан кичик лавҳалардир.

Энди Муҳаммад Авфийнинг ўзидан эшитинг: Бир пайтлар давр ва сайрнинг омади келиб ушбу мажмуа муаллифи унинг ҳузурига Шаҳринавга<sup>2</sup> бордим, эндиликда таниқли одам эдим. Ўшанда бахтга қарши от ва уловимни қароқчилар ўғирлаб кетгани боис Шаҳринавга яёв кириб бордим. Ниятим Нусратиддин Кабуджома<sup>3</sup>дан бошпана сўраш эди, лекин у эртаю-кеч майхўрлик ва базмдан бўшамас эди. Бу эса унинг сарой аҳли ва донишмандлар билан учрашувига тўсқинлик қилар ҳамда бунга зинҳор фурсат тополмас эди. Ҳеч нарсасиз, юпун ва иложсиз бир аҳволда унинг ҳузурига шошилинч бир рубоий битиб юборишга мувофиқ бўлдим ва у ушбу рубоий эди, рубоий:

Эй шоҳ, ба базл баҳру коне дигарий,  
Дар ҳолати мулку адл жоне дигарий,  
3-он рўй Кабуджома мехонандат,  
К-аз рифъату қадр осмоне дигарий.

Мазмуни:

Эй шоҳ, саховатнинг кони бошқа,  
Мулку адолатнинг жони бошқа.

<sup>1</sup> Худ–қофия талабига кўра хад–хавад–хувад–ўкилади.

<sup>2</sup> Шаҳринав – Астробод ва Хоразм орлиғидаги шаҳар.

<sup>3</sup> Кабуджома (кўк либосли – кўк кийимли) – қабила номи.

Сенинг лақабинг кўм-кўк либосдир,

Қадру қимматнинг осмони бошқа.

Рубойни ўқиб Кабуджома таҳсин ва арзирли эҳсон қилибди ҳамда айтибдики, учрашув ва суҳбатлашишга вақтим йўқ, унинг илтимоси нимадан иборат, шуни билиб менга айтишлар, дебди. Менга, яъни Авфийга бу хабар етгач, рубойнинг тагидан бир байт битиб, тагин уни Кабуджомага жўнатдим, байт:

Ҳар чанд, ки бар бисоти шатранжи ҳунар,

Имрўз шаҳам, пиёда мебояд рафт.

Мазмуни:

Тахта узра санъатдир шахмот,

Лек шоҳни пиёда қилур мот.

(Яъни: Шаҳмот тахта устида санъат бўлса-да

Бугун шоҳман, лек яёв кетишга мажбурман).

Шоҳ шу онда бир асов отни эгарлатиб, жиловлаб хонақоҳга юборишга фармон берибди, отни келтириб Авфийга топширадилар. Бундан атрофдагилар хурсанд бўлади, бу дуоғўй (яъни Авфий) эса шоҳ билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлмай, отга миниб, изимга қарамай жўнаб қолдим. Шоҳнинг бу ҳаракати донолик белгиси бўлса, сўз кучини тушуниши юксак санъаткорликдир. Кишилар бундан воқиф бўлиб, сўз санъати ва ҳунармандлик (яъни сўз санъати)ни ўргансалар яхши бўлар эди. Инчунин Кабуджома, асосан Султон Такаш (1172–1200)га сўзсиз итоат этгани Авфий маълумотларида ўз ифодасини тўлиқ топган. Кабуджома Нусратиддин 1203 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан қатл этилади, бу қатлнинг сабаблари номаълум, лекин бу иш ғанимларнинг жунбуши туфайли рўй бергани муқаррар.

Авфий “Лубобу-л-албоб”да Кабуджомадан яна иккита ажойиб рубой келтиради: “Унинг... ажойиб ва ғаройиб шеърлари кўп, аммо ихтиёримизда борларини келтирамиз, мана бу рубой эса турк ғуломи ҳақида айтилган”(–Б.).

Рубой:

Турке ки ба рух дарди маро дармон аст,

Ўро дили ман ҳамеша дар фармон аст.

Бихаридамаш ба зар ба сад жон арзад,

Жоне, ки ба зар тавон харид арзон аст.

Мазмуни:

Ул туркнинг юзи дардима дармондир,

Менинг дилимга у доим фармондир.

Юз одам нархи зарга сотиб олдим,

Одам нимаси, зар ундан арзондир!

Бу ҳам ундан:

Манам, ки чун ба ғазаб зий<sup>4</sup> фалак нигоҳ кунам,

Жамоли талъати хуршедро табоҳ кунам.

Кабуджомаам оре, вале ба теғи кабуд,

Руҳи адуро аз хуни дил сиёҳ кунам.

Мазмуни:

Фалак кўксига ғазаб-ла ташласам назар,

Қуёш шуъласига етар бегумон зарар.

Ҳа, ҳа! Мен кўк либосман, вале камоним,

Ул ғаним юзин дил қони-ла қора айлар.

Муҳаммад Хоразмшоҳ 1220 йил Чингизхондан қочиб, Шаҳринавдан ўтаётганда шаҳринавликлар уни тошбўрон (сангпарон) қилишади, бунинг сабаблари изоҳсиз ҳам маълум. Боиси Шаҳринав аҳолисининг Муҳаммад Хоразмшоҳга нисбатан Кабуджома қатли туфайли нафратлари баланд эди.

#### Адабиётлар:

1. Авфий Муҳаммад. Гулчини жавомеъ ул-ҳикоёт. Тартибдиҳанда ва муаллифи муқаддима М.Бақоев. –Душанбе: “Ирфон”, 1966.– 176 саҳ. (Қаранг: Ҳаёт ва осори Муҳаммад Авфӣ. – С. 3–20)
2. Авфий, Муҳаммад. Тазкираи Лубоб ул-албоб. 1–2 жилди. Биринчи нашри. Профессор Э. Браун нашри асосида, муқаддима ва шарҳлар аллома Муҳаммад Қазвиний, изоҳлар устод Саид Нафисий ҳамда инглиз тилидаги дебочаларнинг форсий таржимаси Муҳаммад Аббос қаламига мансуб. –Техрон: “Мумтоз”, 1361. – 1036 саҳ. (Такаш, Кабуджома –С.354).
3. Каримов Ш., Шамситдинов Р. Ватан тарихи. –Б. 214–231).

---

<sup>4</sup> Зий, зай زى – андоза, тараф, ҳаёт маъноларига эга.